



## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИКНОМА ИСЛА-МИНТ®

**Препаратнинг савдо номи:** Исла-Минт®

**Таъсир этувчи модда (ХПН):** исландия йўсинининг сувли экстракти

**Дори шакли:** пастилкалар

**Таркиби:**

1 пастилка куйидагиларни сақлайди:

*фаол модда:* 100 мг исландия йўсинининг сувли экстракти (2-4 :1);

*ёрдамчи моддалар:* сорбитнинг кристалланмайдиган 70% ли эритмаси (E 420), аспартам (E 951), акация (гуммиарабик), қалампир ялпиз мойи, хлорофилларни мисли комплекслари (E 141), енгил минерал мойи, тозаланган сув.

**Таърифи:** яшил рангли пастилкалар.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** ЛОР-аъзолари касалликларни даволаш учун восита.

**АТС коди:** R02A.

### **Фармакологик хусусиятлари**

Исла-Минт препарати *Cetraria islandica* (исландия йўсини) доривор ўсимлик экстрактини сақлайди, у қадимий цивилизация давридан ўзининг нафас йўллари яллиғланиш касалликларида ижобий терапевтик таъсири билан маълум бўлган.

Исла-Минт препаратининг нафас йўллари яллиғланиш касалликларидаги йўталга қарши самараси таъсир этувчи модданинг микробларга қарши фаоллигига асосланади.

Препаратда сақланувчи полисахаридлар нафас йўллари шиллик қаватини ўраб олади ва уларни ташқи омилларнинг зарарли таъсиридан ва турли хил таъсирловчилардан самарали ҳимоялайди..

Исла-Минт препарати ҳимояловчи хусусиятларга ҳам эга бўлганлиги туфайли уни профилактик мақсадларида ҳам қўллаш мумкин, масалан, нафас йўллари ўта сезувчанлигида ёки уларни кучли зўриқишларида (шу жумладан спорт билан шуғулланганда).

Препаратнинг микробларга қарши ва иммунитетни рағбатлантирувчи хусусияти илмий тадқиқотларнинг натижалари билан исботланган.

Шамоллаш хавфи мавжуд бўлганда шиллик қаватини ҳимоялаш қобилятига эга Исла-Минт препаратини профилактик қўлланиши, нафас йўллари турли инфекцияларга учрашини камайтириши мумкин.

Исла-Минт препаратини яхши ўзлаштирилиши туфайли уни қўлланилиши вақтида ноҳўя реакциялар кузатилмайди. Препарат шунингдек меъдага юмшоқ таъсир қилади.

### **Қўлланилиши**

Томоқнинг инфекцион-яллиғланиш касалликлари: ларингит, фарингит, шу жумладан аллергия (қуруқ кўзгатувчи йўтал, овозни бўғилиши); мажмуавий даволашда ўткир ва сурункали бронхитда ва бронхиал астмада симптоматик даволаш.

Товуш бойламларини кучли зўриқиши (қўшиқчиларда, ўқитувчиларда, лекторларда).

Оғиз бўшлигини ва томоқ шиллик қаватини қуриши ва қичишиши (яшаш хоналарида хавони қуруқлигида ёки иситиш даври вақтида офис хоналарида етарли даражада нам хаво бўлмаганида, кондиционер билан тамирланган, шунингдек бурундан чекланган нафас олишда ёки спорт машғулоти вақтида шиллик қаватини қуруқлигида) қўлланади.

### **Қўллаш усули ва дозалари**

Катталарга ва 12 ёшдан катта болаларга 1 пастилкадан ҳар соатда (кунига 12 пастилкагача), 4 дан 12 ёшгача бўлган болаларга – 1 пастилкадан ҳар 2 соатда (кунига 6 пастилкагача), уларни оғизда аста-секин эришига имкон бериб, қабул қилиш тавсия қилинади.

Исла-Минт дори воситасини жуда яхши ўзлаштираолиниши туфайли, уни ҳеч қандай ҳавотирсиз узоқ вақт давомида қабул қилиш мумкин. Бундан ташқари, ҳатто касаллик белгилари йўқолгандан кейин Исла-Минтни барқарор терапевтик самарага эришиш мақсадида яна бир неча кун қабул қилиш мумкин.

Агар 4-5 кун давомида касалликни турғун белгилари камаймаса ёки аксинча ёмонлашса хансираш, иситмалаш, шунингдек йирингли ва қонли балғамлар пайдо бўлса шифокор билан дарҳол маслаҳатлашиш лозим.

### **Ножўя таъсирлари**

Кам ҳолларда аллергия реакциялар пайдо бўлиши мумкин.

Жуда кам ҳолларда, препарат сорбит сақлаганлиги туфайли сезгир пациентларга ич сурувчи самара кўрсатиши мумкин.

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Фенилкетонурия бўлганида препаратда ширин аспортат сақланганлигини ҳисобга олиш зарур.

Фруктозани ўзлаштираолмасликда буюриш мумкин эмас.

Препаратни бирон-бир ингредиентига маълум юқори сезувчанликда буюриш мумкин эмас.

### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Ҳозирги вақтгача бошқа дори воситалари билан узаро таъсири номаълум.

### **Маҳсуе кўрсатмалар**

Исла-Минт препаратиде сақланадиган ўсимлик экстрактлари баъзида бу дори воситасини рангида ва таъмидаги ўзгаришларни сабабчиси бўлиши мумкин, бу аммо унинг терапевтик таъсирига ҳеч қандай таъсир қилмайди.

Исла-Минт препарати қанд сақламайди, шунинг учун уни қандли диабет билан хасталанган беморларга буюриш мумкин.

### ***Ҳомиладорлик ёки эмизиш даврида қўлланиши***

Бошқа барча фармакологик препаратлар билан таққослаганда, Исла-Минтни ҳомиладорлик ва эмизиш даврида фақат шифокор билан олдиндан маслаҳатлашганидан кейн қўллаш мумкин.

### ***Автотранспортни бошқариш ёки бошқа механизмлар билан ишлашда реакция тезлигига таъсир қилиш қобилияти.***

Препарат ушбу йўриқномага мувофиқ қўлланганда ҳеч қандай салбий оқибатларга олиб келмайди.

### **Дозани ошириб юборилиши**

Бугунги кунда, препаратнинг токсик таъсири ҳақида маълумот ёқ.

Препаратнинг таркибий қисимларининг фармакологик хусусиятлари туфайли, катта миқдорлиги Исла-Минт препаратининг тасодикий истеъмол қилинишидан кейн ҳам токсик таъсир кўрсатилмаган.

### **Чиқарилиш шакли**

10 пастилкадан алюмин фольга ва ПВХ-плёнкали блистерда. 3 блистердан тиббиётда қўлланилишига доир йирикномаси билан бирга картон кутуга жойланган.

**Сақлаш шароити**

Болалар ололмайдиган жойда, 25°С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

**Яроқлилик муддати**

4 йил.

Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати ўтганидан кейин қўлланилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи:**

Энгельгард Арцнаймиттель ГмбХ & Ко. КГ.,

Херцбергштрассе 3,

61138 Нидердорфельден,

Германия

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили**

МЧЖ “France Pharma”

Ўзбекистон Республикаси, 100041, Ташкент ш., М. Улуғбек тумани, ул. Навнихол кўч. 86.

Тел.: +99871 230 91 93

E-mail: infopharmaff@gmail.com